



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Муродбек ЗУЕ олган суратлар.

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

яна бир бор муҳокама қилинди



Бошланғич ташкилот — асосий таянч

### ДОЛЗАРБ ҲАЁТИЙ МАВЗУЛАР

**Бошланғич партия ташкилотларида муҳокама этилса, бу партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ошиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки фаоллашишига хизмат қилади**

Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилар экан, демак, бу масалаларни халқимиз, хусусан, электоратимиз вакиллари чуккур тушунтириб бориш асосий вазифаларимиздан биридир.



«Ёш сиёсатчи-2012»

### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентда аниқланади

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ «ЁШ СИЁСАТЧИ-2012» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЖОРИЙ ЙИЛ 30 ОКТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАХРИДА БЎЛИБ ЎТАДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар истеъдодли ёш сиёсатчи 4 та шарт бўйича беллашади.

ЎзХДП ахборот-маърифат хоналарида

### ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ТАФАККУР

партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқарувчи асосий омил

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоят партия ташкилотларидаги ахборот-маърифат хоналарида «Мустақиллик йилларида амалга оширилган демократик ўзгаришлар ва фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш масалалари», «Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокини кучайтириш» каби мавзулардаги ўқув-семинарлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бу сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги тадбирларга қатнашувчилар сафи кенгайишига ижобий таъсир этаётир.

Таҳсилларга кўра, вилоятда бўлиб ўтган сўнги 12 та семинарда 1,5 минг нафарга яқин киши иштирок этган. Уларнинг аксарияти ёшлар эканини инобатга оладиган бўлсак, ахборот-маърифат хоналарини замонавий сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар, даврий наشرлар билан мунтазам тўлдириб, бойитиб боришнинг аҳамияти яққол намоён бўлади.



ОБУНА — 2013



НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220

## Муносабат

### 2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ТЎҚҚИЗ ОЙИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА 773 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида алоҳида таъкидланди. Ҳукумат йиғилишида қайд этилганидек, мазкур иш ўринларининг 486 мингтадан ортиғи ёки 62,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилган.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ўзига хос — тизимли ва аниқ йўналтирилган механизми яратилган. Булар — мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, қайта қуриш; янги ишлаб чиқариш (йирик саноат) объектларини ишга тушириш, вақтинча ишламай турган ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик янгилаш, реконструкция қилиш, уларга чет эл инвестицияларини киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тараққий эттириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини кенгайтириш, фермер хўжаликлари, айниқса, балиқчилик, паррандачилик, чорвачиликни кенг кўламда ривожлантириш, ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфра-тузилмаларини узвий равишда янада такомиллаштиришдир.

Масалан, биргина маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши юзасидан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 957 та янги турлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Қолаверса, республикада ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича тизимли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳисобот даврида 18,4 мингта янги бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига ва ўз навбатида қўшимча иш ўринлари пайдо бўлишига замин яратди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг оғишмай ижро этилиши, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг ишлаб чиқилиши ҳам аҳоли бандлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирда касаначилик соҳаси тобора кенгайиб, оила бюджетининг қўшимча даромадлари манбаидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур фаолият тури қишлоқ жойларда анча тез ривож топмоқда. Бу эса, биринчи галда, хотин-қизлар, ёрдамга муҳтож вақтинча ишсиз, аммо қўлида хунари бор, меҳнатга қобилиятли кишиларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш имконияти яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу йиғилишида барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа идоралар, ташкилотлар раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этишнинг белгиланган параметрларини бажариш, шунингдек, жорий йилда касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан тўлиқ таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бу ўз навбатида, партияимизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг зиммасига ҳам масъулиятни вазифаларни юклайди. Зеро, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ Давлат ва маҳаллий дастурларнинг жойларда бекам-қўст бажарилишига эришиш, бу борада юзага келаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича аниқ ва амалий тақдирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашиш лозим бўлади.

Обиддин МАҲМУДОВ

## ҒАЛАБА ЙЎЛИДАГИ УЛКАН МАТОНАТ

юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасидир

Яқинда КАЛИНИНГРАДДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКISTON ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ЮКСАК МАҲОРАТ, ИРОДА ВА МАТОНАТ НАМОЁН ЭТДИ. ЖАҲОННИНГ КУЧЛИ ЎН ИККИ ТЕРМА ЖАМОАСИ ОРАСИДАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ЮКСАК НОМГА ҚАЗОВОР БЎЛДИ. ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КЕТМА-КЕТ УЧИНЧИ БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛГАНИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗНИ ҒУРУР ВА ИФТИХОРГА ТЎЛДИРДИ.

Юртимизда инсон манфаати, унинг кадр-қиммати ҳар нарсадан устун туради. Ҳалол меҳнат, кўрсатилган матонат, эришилган ютуқ ўзининг муносиб баҳосини олади. Шу боис, ампултантлар терма жамоасининг бир гуруҳ аъзолари Президентимиз Фармонида кўра, давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланди. Бу ҳам юртимизда спортга эътибор, жисмоний имконияти чекланган кишиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин исботидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, улар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилган. Республикаимизнинг барча худудларида махсус мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган спорт мажмуалари фаолият кўрсатмоқда. Улар жамият ҳаётида фаол қатнашиши, қизиқиш ва қобилиятини намоён этиши учун давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан мунтазам кўмак берилиб келинмоқда. Бу борадаги муносабатларни тартибга солишда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун муҳим асос бўлиб хизмат қилапти.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ЎзХДП дастурида ижтимоий кўмакка муҳ-

тож, жисмоний имконияти чекланган, аммо меҳнатнинг бирор тури билан шуғулланишга лаёқатли кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида қатор вазифалар белгилаб олинган. Ўтган давр мобайнида партияимиз томонидан бу борадаги вазифаларни изчиллик билан бажариш мақсадида бир неча дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Аммо бугун имконияти чекланган кишиларни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаолиятини кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки улар ҳар доим эъзоз ва эътиборда экани, шу юрт ривожини учун муносиб ҳисса қўйиши мумкин эканини янада чуқур ҳис этиб яшашлари зарур. Ана шу мақсадга хизмат қиладиган янги-янги гоёларни илгари суршишимиз, лойиҳаларни амалга оширишимиз керак.

Кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўзининг ижобий натижасини бериши табиий, албатта. Спортчиларимиз эришаётган ютуқ ва марралар бунинг ёрқин далилидир.

Шухрат ТУРСУНБОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси.





